

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИ
МУРОЖААТНОМАСИ

Хурматли ҳамкасблар!

Сўнги йилларда жамият ва давлат томонидан биргаликда коррупцияга қарши кураш чоралари фаол амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Мамлакатда коррупцияга қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ва институционал асосни яратиш, давлат органлари фаолияти шаффофлиги ва очиқлигини, ахборотдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ижобий мавқе, фаолиятни амалга оширишнинг шаффофлиги, ҳалоллиги ва мустақиллиги – Интеллектуал мулк агентлигининг муваффақиятли ишини гаровидир. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатларига ва адлия органларининг коррупцияга қарши ички ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятида биз антикоррупцион маданиятни таъминлаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз ҳамда уни давлатимиз фуқароларига етказамиз.

Коррупцияга қарши чора-тадбирларни самарадорлиги, талабнома топширувчилар билан бизни қонуний ва очиқлик принципига амал қилган ҳолда, ходимларда ҳуқуқий маданият ва коррупцияга қарши саводхонлик даражасини ошганлиги, фуқаролик бурч ва масъулияти, онгининг ривожланиши билан ўз акси ва исботини топди.

Интеллектуал мулк агентлигида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш муҳити яратилган ва қўллаб-қувватланмоқда, порахўрлик, тамагирлик ва коррупциянинг ҳар қандай шакллари қораланмоқда ва унга барҳам берилмоқда. Агентликда ҳуқуқий ва одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олишда, мансабга оид тўсиқлар мавжуд эмас.

Ўзим томондан, мен, Интеллектуал мулк агентлигининг директори сифатида ўз ҳаракатларим ва қарорларимда коррупцияга қарши тамойилларига қатъиян риоя қилишни кафолатлайман. Ўз навбатида, Интеллектуал мулк агентлиги ходими номини фахр билан олиб юрган, ўз ҳамкасбларим ва ходимларимдан ҳам худди шундай хатти-ҳаракатларни кутиб қоламан.

Директор



Т. Абдусаттаров